

**Нурота туман ҳокимлигида 2023 йил учун коррупцияга қарши курашиш
тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

I. Нурота туман ҳокимлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш мавзусида 17 та тадбирлар ташкил этилди. Шу жумладан, ҳокимлик аппарати ходимлари иштирокида, шунингдек барча маҳаллаларда, идора ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тадбирлари амалга оширилди.

II. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳисобот даврида туман ҳокимлиги аппарати ходимлари билан қўшимча келишув шартномалари тузилди.

III. Туман ҳокимлиги аппарати ходимлари лавозимлари бўйича хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилди. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш аппарат ташкилий структуравий тузилмаси белгилаб олинди.

Туман ҳокимлигида коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалари бўйича нисбатан (юқори, ўрта, паст) лавозимлар кўрсатилди.

Туман ҳокимлиги аппаратида мавжуд лавозимлардаги баҳолаш ва манфаатлар тўқнашуви бўйича маълумотлар илова қилинади.

IV. Туман ҳокимлигида манфаатлар тўқнашуви бошқарув лавозимлари кесимида ўрганилиб, декларацияланиши ва тартибдга солиниши бўйича тушунтиришлар ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашиш қоидаларини қўшимча келишув шартномаларига нисбатан 100% қайта тузилди.

Туман ҳокимлигида ҳисобот даврида 3 нафар ишга қабул қилинган.

Туман ҳокимлигида манфаатлар тўқнашувини аппарат ходимлари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик, ротация ва ишга қабул қилишдаги декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг сонига нисбатан йиллик декларация йиллик декларация тўлдирган 20 нафар (83,3 %), янги ишга қабул қилинган 3 нафар (16,7 %) ни ташкил этди.

V. Туман ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ходимлар бевосита таълимда махсус ўқув семинар-тренингларга жалб этилди.

Ҳокимлик аппарати ходимлари коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича лавозимлар кесимида сўровномалар ўтказиш кейинги чоракда режалаштирилди.

VI. Туман ҳокимлигида жорий йилнинг давомида коррупция фактлари юзасидан мурожаатлар келиб тушмаган ҳамда шу мақсадда ташкил этилган алоқа каналларида онлайн мурожаатлар қайд этилмаган.

Нурота туман ҳокимлиги аппарати ходимларига мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари, хусусан келтирилган фактлар ўз тасдиғини топган мурожаатлар сони ҳамда уларни ўрганиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилган ва назоратга олинган.

Коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушган вақтда, уларни кўриб чиқиб, коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилган чоралар баён қилиниши бўйича кўрсатмалар бериб берилмоқда.

VII. Ҳисобот даврида туман ҳокимлиги аппарати ходимлари таркибида интизомий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳолатлар кузатилмади. Фақатгина ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашган ва хизмат вазифасини маълум даражада бажармаганлиги сабабли меҳнат кодексида кўрсатиб ўтилган интизомий чоралар қўлланилган.

VIII. Туман ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларга ҳокимликнинг барча ходимлари риоя этиб келмоқда. Бирорта қоидабузарлик содир этилмаган.

Коррупцияга қарши ички назорат
қилиш бўйича масъул



У.Кенжаев

**Коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган
чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида
ҲИСОБОТ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар
1	Ҳокимлик аппаратида юзага келаётган қонунбузилиш ҳолатлари ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш сабаб ва шарт-шароитларини аппарат йиғилишларида муҳокама қилиш тартибини йўлга қўйиш.	2023 йил ҳар чорак	Туман ҳокимлигида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олиш юзасидан ходимлар ўртасида кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилинди.
2	Коррупция хавфларига энг кўп дучор бўладиган йўналишлар ва лавозимлар реестрини ишлаб чиқиш.	2023 йил ҳар чорак	Ўрганишлар натижалари бўйича туман ҳокимлигида коррупция хавф-хатарига эга кўп дучор бўладиган фаолият йўналишлари ва лавозимлар, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари) реестри шакллантирилди. Реестрга киритилган йўналиш ва лавозимлар, шунингдек, уларнинг функциялари бўйича коррупция хавф-хатарларини минималлаштириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгилаб олинди.

Коррупцияга қарши ички назорат
қилиш бўйича масъул



У.Кенжаев